

AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 4 Issue 03 | pp. 501-509 | ISSN: 2181-1865
Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

ЧОРВАЧИЛИК ХЎЖАЛИКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ҚОРАМОЛЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ БОЗОРЛАРИ ШАКЛЛАНИШИДАГИ ЎРНИ



С.Адилов,

Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида
стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро
маркази мустақил тадқиқотчиси

Аннотация: Мазкур мақолада қорамолчилик маҳсулотлари етиштирувчи тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш ҳамда улар ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар бозорини шакллантиришнинг муҳим ижтимоий-иқтисодий асослари хусусида фикр юритилади. Давлат томонидан қабул қилинган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг соҳани ривожлантиришдаги ўрни, қорамолчилик маҳсулотларининг ишлаб чиқариш мазмуни ва қайта ишлашни ҳисобга олган ҳолдаги гурӯҳлари таркиби, қорамолчилик маҳсулотлари бозорлари шаклланишида тадбиркорлик субъектлари учун муҳим хусусиятлар таҳлил қилинади. Шунингдек, фермер хўжаликлари ва масъулияти чекланган жамиятлар мақомидаги чорвачилик хўжаликлари билан оиласидан оиласда фаолият юритувчи дехқон ва томорқа хўжаликлари фаолиятининг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари ҳамда уни баҳолаш бўйича тавсиялар берилади.

Мустақиллик йилларида аграр соҳада олиб борилган ислоҳотлар ва қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар чорвачилик соҳасида хусусий мулкчиликнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар чорвадорларда мол-мулкка ва ишлаб чиқарилган маҳсулотга эгалик қилиш ҳиссиёти пайдо бўлишида, бозор шароитида ишлаш учун тадбиркорлик кўнималари шаклланишида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликлирида чорва молларини қўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2006 йил 23 мартағи ПҚ-308-сон қарорига асосан дехқон ва фермер хўжаликлирида чорва моллари сонини қўпайтириш, насли моллар, омихта ем ва ем-ҳашак билан таъминлаш, худудларда аҳоли бандлиги даражасини оширишни назарда тутган ҳолда қўплаб йўналишларда чорвачилик соҳасига хизмат кўрсатувчи субъектлар ташкил қилинди.

Мазкур қарор ижроси доирасида амалга оширилган тадбирлар натижасида худудларда 161 та зооветеринария шохобчалари фаолияти йўлга қўйилиб, уларни

зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш мақсадлари учун 408 млн сўмлик имтиёзли кредит йўналтирилди. Чорва молларининг наслини яхшилаб бориши мақсадида мамлакатимизга Украина, Голландия, Беларусь Республикаси, Хитой, Польша, Қозоғистон каби давлатлардан наслли қорамоллар олиб келинди.

Деҳқон ва фермер хўжаликларида парваришиланаётган чорва моллари бош сонини кўпайтириш, сут ва гўшт маҳсулотлари етиштиришни рафбатлантиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рафбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2008 йил 21 апрелдаги ПҚ-842-сон қарори муҳим аҳамият касб этди.

Мазкур қарорга асосан зооветеринария хизматлари соҳасида бозор механизмини жорий қилишни тезлаштириш учун собиқ ҳудудий Ветеринария бошқармаларининг зооветеринария шохобчалари давлат тассаруфидан чиқарилиб, хусусийлаштирилди. Хусусий тадбиркорларга зооветеринария хизмати кўрсатиш учун лицензия олиш тартибини соддалаштириш масаласи, уларни давлат рўйхатидан ўтказишида 5 йиллик давлат божидан озод қилиш имтиёзлари жорий қилинди.

Бугунги кунда гўшт маҳсулотларининг 75 фоиздан ортиғи, сут маҳсулотларининг деярли ҳаммаси етиштирилаётган қорамолчилик тармоғига аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш масаласини ҳал қиласидиган асосий тармоқ сифатида қараш тўғри бўлади. Мамлакатда етиштирилаётган сут ва сут маҳсулотларининг 97-98 фоизи, гўшт маҳсулотларининг 75 фоиздан ортиғи қорамолчилик хўжаликларида етиштирилаётгани, оиласа фарзандлар тарбияси ва қишлоқ жойларидағи бандлик масалаларини ҳам қўшадиган бўлсак, мазкур тармоқни ривожлантириш нечоғли аҳамиятли экани яққол англашилади.

Таҳлилларга эътибор берилса, сўнгти 10-15 йил давомида мамлакатимизда қорамоллар бош сони ва шунинг баробарида маҳсулот етиштириш ҳажмли ўсиб бораёттанини кўриш мумкин. Бироқ, шу билан бирга, сигирларнинг ўртача сут маҳсулдорлиги пастлиги сут ишлаб чиқариш ва уни қайта ишлаш соҳаларида замонавий техник воситалар, технологияларни жорий қилишга, чорвадор кадрлар малакасини оширишга инвестициялар йўналтириш учун тўсиқ бўлмоқда. Айниқса, омиҳта ем ишлаб чиқариш соҳасида фойдаланилаётган технологиялар маҳсулот сифатини таъминлаш имконини бермайди.

Юқорида қайд этилган иқтисодий ва бошқа муаммолар республикада сут ва гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш қўп инвестиция талаб қиласидиган кичик ҳажмли деҳқон ва томорқа хўжаликларига қараб ҳаракатланиб боришига сабаб бўлди. Бир томондан, бу – яхши, деҳқон ва томорқа хўжаликлари тўлиқ хусусий мулк асосида фаолият юритади, уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятига маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллари аралаша олмайди. Лекин кичик ҳажмли деҳқон ва томорқа хўжаликларида қорамоллар зотдорлигини таъминлаш, етарли миқдордаги ва сифатли озуқа етказиб бериш, замонавий технологиялар асосида молларни парваришилаш, маҳсулот етиштириш ва уни сақлаш имкони мавжуд эмас. Бу эса

маҳсулдорликни ошириш, интенсив ишлаб чиқаришни ташкил қилиш имконини чеклайди.

Республикада шаклланган қорамолчилик тармоғи ва маҳсулот етиштириш турлари ҳамда ассортиментига эътибор қаратиладиган бўлса, маълум йўналишлардаги ва ассортиментдаги маҳсулотлар етиштириш тизими юзага келганига гувоҳ бўлиш мумкин. Уларни қуийдаги гуруҳларга бирлаштириш мумкин (1-расм).




1-расм. Қорамолчилик маҳсулотларининг ишлаб чиқариш мазмуни ва қайта ишилашни ҳисобга олган ҳолдаги гуруҳлари таркиби¹

Қайд этилганлардан кўриниб турибдики, қорамолчилик соҳасида қўплаб ва хилма-хил турдаги маҳсулотлар тайёрланади ҳамда уларнинг озиқ-овқат сифатидаги аҳамияти бекиёс. Шу билан бир қаторда, қорамолчилик маҳсулотлари

¹ Манба: Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

ишлаб чиқаришда хўжалик юритиш субъектларига иқтисодий наф келтирадиган қисми бозор учун мўлжалланган сифатли товар маҳсулотлари ҳисобланади.

Юқоридагиларни инобатга олсақ, қорамолчилик маҳсулотлари бозори ривожланишининг чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи субъектлар, жумладан, дехқон ва томорқа хўжаликлари учун муҳим бўлган ажралиб турувчи ҳусусиятлари, бизнингча, куийдаги гурухлар доирасида намоён бўлади (2-расм).



2-расм. Қорамолчилик маҳсулотлари бозорлари шаклланишида тадбиркорлик субъектлари учун муҳим ҳусусиятлар²

² Манба: Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Қорамолчилик хўжаликлари учун зарур техник воситалар, омихта ем, узоқ муддатли фойдаланиладиган ресурслар билан таъминлаш тизимида монополия ҳолати мавжудлиги ишлаб чиқаришни ташкил қилишда эътиборга олиниши лозим бўлган иқтисодий хусусият ҳисобланади.

Республикада чорвачилик хўжаликлари учун омихта ем тайёрлаш асосан пахта хомашёси, буғдой, мева-сабзавотларни қайта ишловчи корхоналар фаолияти билан боғлиқ. Ушбу тизим анъанавий равишда чигитни, буғдойни қайта ишлаш натижасида қўшимча маҳсулот сифатида олинадиган чигит шроти, шелуха, кепак асосидаги омихта ем тайёрлашдан иборат.

Лекин тайёрланадиган омихта ем миқдори республиканинг ички талабини қондира олмайди. Шу билан бирга, гўшт ва сутнинг асосий қисмини (95% дан ортифи) ишлаб чиқарадиган дехқон ва томорқа хўжаликларига етказиб бериш биржа савдолари асосида амалга оширилиб, бу тизим кичик ҳажмли дехқон ва томорқа хўжаликлари фаолиятига мос эмас.

Тайёрланадиган омихта ем миқдори талабга нисбатан камлиги, уни ишлаб чиқарувчилар монополия шароитида фаолият юритиши маҳсулот сифати пасайишига ва бозор баҳоси ортиб боришига шароит яратади. Ем-хашак етишмаслиги чорва моллари маҳсулдорлиги пастлигининг асосий сабабларидан бири ҳисобланади. Мазкур хусусият гўшт ва сут етиштирувчи қорамолчилик хўжаликлари фаолиятини ташкил қилишда эътиборга олиниши лозим бўлган масалалардан биридир.

Қорамолчилик соҳасида тадбиркорлик шакллари фаолияти ва қорамолчилик субъектлари маҳсулотлари товарлилиги даражаси билан боғлиқ ижтимоий-иктисодий хусусиятлар қўйидагилар:

- мустақиллик йилларида асосий экин майдонларига пахта ва ғалла жойлаштирилиши натижасида ем-хашак экинлари майдони тобора қисқариб борди. Ем-хашак бошқа ресурслар тақчиллиги сабабли маҳсулот етиштириш астасекин инқизозга, ресурс тақчиллигига бардошли бўлган дехқон ва томорқа хўжаликлари томонга силжиб борди. Ҳозирда бу соҳада асосий маҳсулот етиштирувчи сифатида оиласиб асосда фаолият юритадиган дехқон ва томорқа хўжаликлари асосий салмоққа эга бўлмоқда;

- иирик чорвачилик субъектларида (маъсулияти чекланган жамиятлар, иирик фермер хўжаликлари) маҳсулотларнинг товарлилик ва чорва молларининг маҳсулдорлик даражаси анча юқори. Аммо бундай хўжаликлар салмоғи қорамолчилик соҳасида сезиларли даражада кам (6-7%);

- қорамолчилик маҳсулотларининг асосий қисмини дехқон ва томорқа хўжаликлари етиштириши товар-маҳсулот салмоғини сезиларли даражада пасайтиради. Фақат иирик аҳоли яшаш манзилларига яқин дехқон ва томорқа хўжаликлида сут маҳсулотлари товарлилик даражаси юқорироқ;

- гўшт ва сут етиштириш билан шуғулланувчи дехқон ва томорқа хўжаликлари сони кўп бўлишига қарамай, бир хўжаликка тўғри келадиган маҳсулот ҳажми кам. Маҳсулот етиштириш ҳажми катта бўлган тадбиркорлик субъектларида (фермер хўжаликлари, МЧЖлар каби) сут етиштириш салмоғи юқорилиги кузатилади (65-75%);

Мазкур хусусиятлар соҳани ривожлантиришда ҳудудлар шароитидан келиб чиққан ҳолда ҳамда алоҳида йўналишлар бўйича ихтисослашув даражасини ҳисобга олишни тақозо қиласди. Бунда сут ва гўштга бозор талаби, ҳудудий табиий-иқлим шароитлар, озуқа етиштириш имконияти ва шаклланган тажрибаларни ҳам инобатта олиш талаб этилади.

Қорамолчилик соҳаси тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг иқтисодий самарадорлиги билан боғлиқ хусусиятлар қўйидагилардан иборат:

- қорамолчилик маҳсулотлари етиштирувчи дехқон ва томорқа хўжаликлари ҳамда маҳсулотларни тайёрлаш, ташиш, истеъмолчига етказиш, ресурс таъминоти, хизматлар қўрсатиш тизими субъектлари фаолиятида ўзаро мутаносиблик мавжуд эмас. Натижада чорвачилик хўжаликлирида ва шунингдек, хизмат қўрсатиш соҳалари субъектларда ҳам иқтисодий самарадорликка эришиб бўлмайди. Демак, бу борада бозор талабини қондириш бўйича тегишли тадбирларни ишлаб чиқиш зарурати мавжуд;

- гўшт ва сут етиштириш кўп сонли дехқон ва томорқа хўжаликлари зиммасида эканлиги, замонавий талаблар асосида етиштирилган, қайта ишланган, қадоқланган, санитария қоидаларига жавоб берувчи маҳсулотни бозорга тақдим этишни секинлаштиради. Ушбу хўжаликларнинг ишлаб чиқариш ҳажми, иқтисодий аҳволи ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш йўналишларида замонавий техникаларни жорий қилиш учун қийин.

Чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи тадбиркорлик субъектлари самарадорликни баҳолаш юзасидан тегишли услубий ёндашувларни қўллашни тақозо қиласди. Масалан, фермер хўжаликлари, масъулияти чекланган жамиятлар мақомидаги чорвачилик хўжаликлири билан оиласидан фаолият юритувчи дехқон ва томорқа хўжаликлири фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш ўртасида жиддий фарқлар мавжуд. Бунда қуйидаги қиймат ва натурал иқтисодий самарадорлик қўрсаткичларидан фойдаланиш тавсия қилинади (1-жадвал).

1-жадвал

Қорамолчилик маҳсулотлари етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги қўрсаткичлари доирасидаги хусусиятлар³

| Кўрсат -кичлар | Умумий иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари тизими | Фермер хўжалиг и, МЧЖлар | Дехқон ва томорқ а хўжалиг и | Муқобил кўрсаткич тавсия қилинади* |
|---------------------|--|-----------------------------------|---|---|
| ат кўрса ткич | - бир шартли мол бош сони ҳисобидан олинган маҳсулот, (сўм). | + | + | - |

³Манба: Муаллиф томонидан тавсия қилинмоқда.

| | | | | |
|------------------------------|--|---|-----|--|
| | - бир шартли мол бош сони ҳисобидан олинган фойда, (сўм). | + | йўқ | <i>"Ялпи даромад кўрсаткичи асосида"</i> |
| | - етиштирилган маҳсулот таннархи, (кг/сўм) | + | йўқ | <i>"Моддий ҳаражатга нисбатан"</i> |
| | - сотилган маҳсулот бирлиги ҳисобига олинган, соф фойда (сўм). | + | йўқ | <i>"Ялпи даромад кўрсаткичи асосида"</i> |
| | - маҳсулот рентабеллиги, (%) | + | йўқ | <i>"Моддий ҳаражатга нисбатан"</i> |
| Натурал кўрсаткичлари | - бир шартли мол бош сони ҳисобидан олинган маҳсулот, (тирик вазн), ц. | + | + | - |
| | - сигирлар сут маҳсулдорлиги (ц). | + | + | - |
| | - бир центнер озуқа бирлиги сарфи ҳисобига етиштирилган маҳсулот, (ц). | + | + | - |
| | - 100 бош сигир ҳисобига бузоқ олиш, (бош). | + | + | - |
| | - бир ишчи ҳисобига етиштирилган маҳсулот, (ц). | + | + | - |
| | - етиштирилган сутнинг ёғлилик даражаси, (%) | + | + | - |

Кўриниб турибдики, маҳсулот етиштириш иқтисодий самарадорлиги қиймат кўрсаткичлари бўйича фермер, дехқон ва томорқа хўжаликлари доирасида бир қатор фарқлар мавжуд.

Хусусан, қиймат кўрсаткичлари таркибиға кирувчи бир шартли мол бош сони ҳисобидан олинган маҳсулот қийматини фермер, дехқон ва томорқа хўжаликлари доирасида ҳисоблаш имкони мавжуд бўлса, “бир шартли мол бош сони ҳисобига тўғри келадиган соф фойда” ёки “сотилган маҳсулот бирлиги ҳисобига олинган соф фойда кўрсаткичларини оиласиб асосда фаолият юритадиган дехқон ва томорқа хўжаликларида ҳисоблаш имкони мавжуд эмас. Бу ҳолатда дехқон ва томорқа хўжаликларида иқтисодий самарадорликни баҳолаш учун “ялпи даромад” кўрсаткичидан фойдаланиш тавсия қилинмоқда (2-жадвал).

2-жадвал

**Қорамолчилик маҳсулотлари етиштиришнинг иқтисодий
самарадорлиги қўрсаткичлари таҳдилини амалга ошириш хусусиятларини
мувофиқлаштириш⁴**

| т/р | Муқобил иқтисодий кўрсаткичлар | Ҳисоблаш формуласи | Шартли белгилар ва изоҳлар |
|------------|--|---|--|
| 1. | - бир шартли мол бош сони ҳисобидан олинган фойда, (сўм) (ШМ_Ф) | $\text{ШМ}_{\Phi} = \frac{\text{МК} - \text{МХ}}{\text{ШМ}_{БС}}$ | МК - маҳсулот қиймати, сўм; МХ - моддий харажатлар, сўм ШМ_{БС} - шартли мол бош сони, бош. |
| 2. | - етиштирилган маҳсулот таннархи, (кг/сўм) (МТ) | $\text{МТ} = \frac{\text{МХ}}{\text{МК}}$ | Асос: Хўжаликда маҳсулот етиштириш учун сарф қилинган моддий харажатлар |
| 3. | - сотилган маҳсулот бирлигига олинган, соғ фойда (сўм) (МСФ) | $\text{МСФ} = \frac{\text{МК} - \text{МХ}}{\text{СМ}_k}$ | (Ялпи даромад қўрсатгичи асосида): СМ_k - сотилган маҳсулот қиймати, сўм |
| 4. | - маҳсулот рентабеллиги, (%). (P) | $P = \frac{\text{МК} - \text{МХ}}{\text{МХ}} \times 100$ | Асос: Хўжаликда маҳсулот етиштириш учун сарф қилинган моддий харажатлар |

Қорамолчилик соҳаси иқтисодий самарадорлиги, натурал қўрсаткичлари фермер ва дехқон хўжаликлари доирасида фарқ қилмаса-да, меҳнат унумдорлигини ҳисоблашда (бир киши ҳисобига етиштирилган маҳсулот миқдори) мураккаблик пайдо бўлади. Айниқса, дехқон ва томорқа хўжаликларида чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга сарф қилинган иш вақтини ҳисобга олиш анча қийин. Оиласи жамоаларда меҳнат сарфини ягона бирликка келтиришда муаммолар юзага келади.

Демак, турли хўжалик юритиш шакллари доирасида қорамолчилик маҳсулотлари етиштиришнинг иқтисодий таҳдили имкон қадар барча субъектлар учун тегишли иқтисодий қўрсаткичлар доирасида амалга оширилиши лозим.

Биз тавсия қилаётган усуllар (2-жадвал) дехқон ва томорқа хўжаликлари фаолияти иқтисодий самарадорлигини ушбу хўжаликлар доирасида таққослама таҳдил қилишда ёки бошқа хўжаликлар доирасида ҳам ушбу усулдан фойдаланиб, қўрсаткичларни аниқлашда объектив хулоса қилиш имконини беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жумхурият аҳолиси шахсий хўжалигидаги моллар ва паррандаларни ем-хашак билан таъминлаш ҳамда уларда

⁴Манба: Муаллиф томонидан тавсия қилинмоқда.

чорвачилик маҳсулотини кўпайтириш тўғрисида” 1990 йил 10 майдаги ПФ-5-сон Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2006 йил 23 мартағи ПҚ-308-сон қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2008 йил 21 апрелдаги ПҚ-842-сон қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республика чорвачилигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 1993 йил 15 мартағи 137-сон қарори.

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution-4.0 International License (CC - BY 4.0).

